O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 25 январь, № 16 (3815) Чоршанба

# ПРЕЗИДЕНТ САНКТ-ПЕТЕРБУРГГА ЖЎНАБ КЕТДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24 январь куни Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига (ЕврАзЭС) аъзо мамлакатлар раҳбарлари Давлатлараро кенгашининг навбатдан ташқари мажлисида иштирок этиш учун Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрига жўнаб кетди.*

Маълумки, Ислом Каримовнинг 2005 йил 6-7 октябрь кунлари Санкт-Петербург шаҳрига ташрифи чоғида Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиши тўғрисида келишиб олинган эди. Давлатимиз раҳбари сафар олдидан журналистлар билан суҳбатлашар экан, бунга яна бир бор изоҳ берди. — Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти ўзининг мақсад ва вазифалари нуқтаи назаридан бир бирига ўхшаш эди, — деди Ислом Каримов. — Ушбу давлатларнинг куч-қудратини, имкониятларини бирлаштириб, ягона мақсад сари йўналтирилса, бу албатта ўз самарасини беради. Бундан ташқари, янги тузилма вақтни тежаш, бир масалани икки марта муҳокама қилмаслик, ортиқча сарф-харажат ҳамда ташкилий ишлардан чекиниб, кўпроқ амалий фаолиятга ўтиш имконини беради. ЕврАзЭСга аъзо давлатлар раҳбарларининг Санкт-Петербург учрашувида интеграцияни ривожлантиришга, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид масалалар атрофлича муҳокама этилиши мўлжалланмоқда. Ташриф давомида Россиянинг «Газпром» очиқ акционерлик жамияти билан ҳамкорликда амалга оширилиши мўлжалланган йирик лойиҳалар яна бир карра муҳокама қилинади. Ташриф асносида иккита йирик шартноманинг имзоланиши кўзда тутилган. Ўйлайманки, ушбу шартномалар Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги энергетика соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантириш, биргаликда янги лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини янада кенгайтиради. Бундан икки мамлакат ҳам бирдек манфаатдор, албатта.

(ЎзА).

***

***24 январь, Санкт-Петербург (ЎзА мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрига етиб келди. Бу ерда давлатимиз раҳбари Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига (ЕврАзЭС) аъзо мамлакатлар раҳбарлари Давлатлараро кенгашининг навбатдан ташқари мажлисида иштирок этади.

Оқшом ЕврАзЭСга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг норасмий учрашуви бўлиб ўтди.



## Улуғ ҳаракатлар силсиласи

*Бир қараганда, бу ҳаммамиз учун таниш манзара. Далаларни кезиб бундай ҳолатларга кўзимиз ўрганиб қолган. Лекин зимдан тикилсангиз, фотомухбиримиз Тоҳиржон Ҳамроқулов ҳаётнинг оний лаҳзасини мангуликка муҳрлаганига тан берасиз. Бу — ўзбекнинг сурати, бугунги Ўзбекистоннинг сурати.*

*Эгнига тўн илиб, белига қийиқ боғлаган бу фариштали отахонни кўринг. Жуда кўпчилигимиз уйга биқиниб, печка ёнидан бир қадам ҳам жилмай ўтирган бир пайтда қорни ҳам, унинг аёзли совуғини ҳам писанд қилмай елкасига кетмонини ташлаганча кенг даласида бўлғуси ҳосилни чамалаётган ва унга замин яратаётган бободеҳқоннинг шаҳду шижоатини томоша қилинг. Гарчанд суратлар ҳаракатсиз бўлса-да, Сиз ундан нафақат Шаҳрихон туманидаги «Шаҳрихон» ширкат хўжалиги миришкорларининг, балки республикамиздаги барча деҳқонларнинг бус-бутун ҳаёт тарзини, ички бир журъату эртанги ёруғ кунларимиз учун бемисл интилишларини кўрасиз. Ва бу улуғ ҳаракатлар мудраб ётган ҳар қандай юракка ғулу солиши, уйғотиши, улуғ ишлар сари илҳомлантириб юбориши, шубҳасизлигини англайсиз.*

*Суратдаги отахон биз юқорида тилга олган хўжаликнинг тажрибали деҳқони, чилла сувини тилла суви, деб билгувчи инсон Қўзибой бобо Қурбонов бўладилар.*



## Ўзбек талабалари ўзлигини намоён қилди

Ҳиндистоннинг Махараштра штатида жойлашган Пуна университетида халқаро ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Унда қатор ҳинд университетларининг талабалари, мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси ҳамда халқаро ташкилотлар, илмий жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Анжуманда ўзбекистонлик талабалар томонидан тайёрланган маданий дастур ҳамда ўзбек миллий таомлари кўргазмаси энг юқори баҳога сазовор бўлди.

Пуна университетида жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган талабалар ҳам таҳсил олишади. Улар орасидаги 24 нафар ўзбекистонлик талаба иқтисодиёт, ахборот технологиялари ва тилшунослик мутахассисликлари бўйича таълим олишмоқда. Университет халқаро маркази директори Сантишри Пандитнинг таъкидлашича, ўзбек ёшлари билимга чанқоқлиги ва ўқиш жараёнидаги фаоллиги билан бошқалардан ажралиб туради.

Ушбу анъанавий ёшлар анжумани доирасида Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар мавзусига бағишланган тақдимот ҳам ўтказилди.

**Садриддин СУЯРОВ,**
**"Жаҳон" АА мухбири.**

*Деҳли.*

*Ернинг муносиб эгасини топиш — долзарб масала*

## БУ МАЙДОН — АЛИНИКИ

Ўша куни одамларнинг қалбидан фаоллик шуъласи порлагандай бўлди. Ширкат хўжалиги идорасининг йўли кам қатнов бўлиб қолганди. Ойлик маошини вақтида ололмаган, раҳбарларнинг гапларидан кўнгли илимаган одамлар бу ерга кўп ҳам айланишмай қўйганди. Дала ишлари ҳам шунчаки, тозаланмаган ариқнинг сувига ўхшаб, дамланиб оқа бошлаганди. Ерни деҳқон ўзиники эмас, раисники ё бўлмасам деҳқонга иш ўргатгани юқорироқ идорадан вакил бўлиб келганники деб ўйларди. Чунки у ўзининг билганини эмас, ўша вакилнинг айтганини қилмоғи шарт эди. Ҳисобчи деҳқоннинг бир йил ишлаб қанча даромад олиши мумкинлигини айтиб бермасди.

Қумқўрғон туманининг «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида бугун бошқача кун бўлди. Хўжаликнинг сирли китоби ёпилиб, унинг ўрнида фермер хўжаликларини ташкил этиш мақсадида танлов ўтказилди. Деҳқон учун ердан азиз мулк борми? Ҳамма фермер бўлгиси келади. Лекин.... Фермерлик анойи иш эмас. Кўрпага қараб оёқ узатмоқ ҳам ҳикмат.

Қайта ташкил этиш комиссияси 1200 гектар суғориладиган ер учун 32 лойиҳани танловга қўйди. 80 нафар даъвогарнинг имкониятлари синчиклаб ўрганилиб, уларга баҳо берилди.

— Бу майдон — Алиники, — деди ариза берганлардан бири Рўзи Қорақулов. — Комиссиянинг менинг имкониятларимга қилган хулосасини тан оламан. Шунинг учун тортишиб ўтиришни ортиқча деб биламан. Ер — эплаганники.

Тортишганлар, мунозарага борганлар ҳам кам бўлмади. Танлов Низомига биноан, шу ернинг ўзида аввалдан ишлаб келганларга тегишли имтиёзлар ҳам берилди. Лекин тили полвону қўли қисқа одамлар, афтинг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкаланма, деган нақлнинг беҳудага айтилмаганига иқрор бўлдилар.

— Бугун биз қайта туғилгандай бўлдик, — дейди танлов ғолибларидан бири Алимардон Мирзаев. — Энди вақтни ўтказиб ўтирмай ҳозирданоқ қадамни дадил ташлай олишимиз керак. Биз катта йўлга тушдик. Имиллаш, пинакка кетиш энди мумкин эмас. Шу ер, шу имкониятлар энди — ўзимизники. Ўзимиз учун ишлаймиз. Юртни обод қилиш одамнинг ўзини обод қилишдан бошланади, ахир.

Танловнинг эртаси куни ишловчилар далаларни тўлдириб юборишди. Иш бошланди. Ҳақиқий иш...

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Таҳририятга мактуб*

## Ғамхўрликка амалий жавоб

*Биз ушбу мактубни «Халқ сўзи» газетасига йўллаб, мамлакатимизда таълим соҳасига кўрсатилаётган жуда катта эътибор ва ғамхўрликлардан беҳад миннатдор эканлигимизни сидқидилдан изҳор этмоқчимиз.*

*Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб етиштириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан этиб белгиланди. Бу борада улуғвор стратегик ҳужжат қабул қилинди. Мана, ўн беш йил бўляптики, Ўзбекистон таълим тизимининг барча босқичларида кенг қамровли ислоҳотлар изчил давом эттириляпти ва тобора ривожланиб бормоқда. Энг замонавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган мактаблар, лицейлар, коллежлар, олий таълим муассасалари — шу эътибор самараларидир. Таълим муассасаларининг «ички дунёси» — ўқув-лаборатория жиҳозлари, мебеллар, компьютер заллари ҳам халқаро андозаларда! Ёшлар учун бутун бошлиқ спорт мажмуалари қад кўтармоқда. Фарзандларимиз дунёнинг манаман деган таълим даргоҳларида таҳсил олишяпти, халқаро олимпиадаларда қатнашиб, юксак совринли ўринларни эгаллашмоқда. Ўзбекистон — маърифат диёри. Насиб этса, яқин йилларда таълим соҳасидаги ислоҳотлар ўзининг самараларини беради.*

*Биз — мактаб ўқитувчиларимиз. Шу боисдан, Давлат умуммиллий дастури асосида мамлакатимиз мактабларида олиб борилаётган туб ислоҳотлар ва уларнинг улкан натижаларини ўз кўзимиз билан кўриб туриб, бу тўғрида фахрланмасдан сўзламаслигимиз мумкинми?! Президентимизнинг доно сиёсати ўзбек мактабининг қадрини юксакликка кўтарди. Шаҳарлару қишлоқлардаги болаларимизнинг тенг даражада билим олишлари учун барча қулайликлар яратилмоқда.*

*Мактаб педагогларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, обрў-эътибори ҳам тобора кўтарилмоқда. Ойлик иш ҳақларимиз тўхтовсиз ошириляпти. Ниҳоят, ўтган йил охирида Президентимиз яна халқ таълими ходимлари ойлик иш ҳақини кўтариш, устамаларини ошириш тўғрисидаги қарорларини эълон қилдилар. Мактабларда Директорлик жамғармасининг ташкил этилганлиги ва бу жамғармага узлуксиз ҳар ойда маблағ ажратиш белгиланганлиги мактабдаги таълим-тарбия ишларининг сифати ва савиясини юқорига кўтарувчи омилга айланмоқда.*

*Биз, педагоглар бу ғамхўрликларга амалий иш билан жавоб беришга даъват этилганмиз, бор куч-ғайратимиз, билим ва тажрибаларимизни Президентимизнинг ният ва орзу-истаклари даражасидаги янги, баркамол авлодни тарбиялаб етиштиришдек эзгу ишга бағишлаймиз.*

**Қўқон шаҳридаги 15-умумтаълим мактаби педагоглари жамоаси.**

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида*

***Маълумки, қуйи палата томонидан қабул қилинган "Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида"ги Қонун 2005 йилнинг 2 декабрида Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисида рад этилган эди. Ўтган вақт ичида ушбу масала мутахассислар томонидан батафсил ўрганиб чиқилди. Фикрлар алмашилди. Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзолари Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан билдирилган фикрларга ўз эътирозларини билдиришмоқда. Савол туғилади. Нега?***

## ЭЪТИРОЗ ИНОБАТГА ОЛИНМАДИ

Сенат қўмитаси яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари уй-жой мулкдорлари ширкатларининг аъзолари бўлмаслиги керак ва улар ўртасидаги муносабатлар тузиладиган шартномалар асосида тартибга солиниши лозим, деб ҳисоблайди. Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Низомиддин Сиддиқов бу фикрга қўшилиб бўлмасликни таъкидлади.

— Негаки, — дейди у, — амалдаги Қонуннинг ҳуқуқий нормаларида (12-моддасида) ширкатнинг яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари билан муносабатлари "қонун ҳужжатлари" билан ва улар ўртасида тузилган битим билан тартибга солиниши" назарда тутилган. Бироқ, амалда мазкур нормалар ишламайди. Яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари, қоида тариқасида, уй-жой мулкдорларининг ширкатлари билан шартномалар тузишни рад этадилар. Натижада уй-жой мулкдорлари ширкатларининг аксарияти умумий мол-мулкини сақлашда қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Бу борадаги харажатлар эса фақат квартиралар мулкдорларининг зиммасига тушмоқда.

Шу ўринда, мазкур қўмита томонидан 2005 йилда уй-жой мулкдорлари ширкатларининг раислари ўртасида ўтказилган сўров натижалари билан танишдик. Унга кўра, ширкатларнинг бор-йўғи 39,4 фоизи яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари билан шартнома тузишга тўлиқ эришган. Жиззах, Самарқанд, Андижон, Наманган, Бухоро шаҳарларида эса бу кўрсаткич янада паст бўлиб, 6,7 фоиздан 25 фоизгача ташкил этади.

— Ушбу ҳужжат бўйича юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш ва янги қонунга айрим нормаларни қайта кўриб чиқиш учун Келишув комиссиясини тузиш таклифи киритилганди. Сенат қўмитасининг бу хулосаси қўмитамизда малакали мутахассислар иштирокида кўриб чиқилди, — дейди қўмита аъзоси Жасур Акрамов. — Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари умумий йиғилишида белгиланадиган мажбурий бадалларни тўлаш муддатларига риоя қилмаганлик учун неустойка миқдорини янги Қонун концепцияси нормаларида акс эттирилиши принципиал характерга эга. Сенат қўмитаси Қонуннинг ушбу нормаларини Фуқаролик Кодексининг 260-моддасига зид деб ҳисоблаган. Аммо, мутахассислар амалдаги Қонунда уй-жой мулкдорларининг ширкатлари ва уларнинг аъзолари ўртасида мажбурий бадалларни ўз вақтида тўламаслик ҳолатларни тартибга солувчи аниқ нормалар йўқлигини ва унинг оқибатида ушбу соҳада тўловсизликнинг ошиб бориб, турар жой биноларининг ёмонлашувига олиб келаётганини таъкидладилар. Қизғин мунозарадан сўнг, ўз хулосамизни тайёрладик. Унга кўра, Сенат қўмитаси томонидан билдирилган эътирозлар асоссиз, ва ўйлайманки, Қонунга қўшимча "мезонлар" киритишнинг ҳожати йўқ.

Айни пайтда Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси Қонунни қайта умуммажлисда кўриб чиқиш юзасидан қарор қабул қилди. Шунингдек, муҳокама жараёнларида Сенат қўмитаси томонидан киритилган бошқа таклифлар қабул қилинмади.

**Зиёда АШУРОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Даволаниш учун Германияга боришади

"Friedensdorf International" халқаро нодавлат ташкилоти (Германия) Марказий Осиё минтақаси давлатлари билан ҳамкорликни давом эттирмоқда. Интернет тармоғидаги WWW. dinportal.de веб-саҳифасида хабар берилишича, жорий йилнинг февраль ойи бошида минтақада, жумладан, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи бир гуруҳ бемор болалар Германия шифохоналарида даволаниш имкониятига эга бўлишади.

"Friedensdorf International" томонидан бир йилда икки маротаба ана шундай беғараз ёрдам кўрсатилади. Унда бемор болалар Германияда ўз соғлиғини тиклашлари баробарида муолажалар тугаганидан сўнг Оберхаузен шаҳридаги махсус реабилитация марказида ҳам бўлишади.

"Friedensdorf International" ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ўртасида яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Мамлакатимиз томони мураккаб ташҳис қўйилган 12 ёшгача бўлган болаларни танлайди. "Friedensdorf International" вакиллари эса касаллик тарихини ўрганиб чиқишганидан сўнг болалар даволаниш учун Германияга юборилади. 2002 йилдан буён "Friedensdorf International" томонидан етти маротаба ана шундай инсонпарварлик кўмаги кўрсатилди. Буларнинг натижасида 60 нафардан зиёд ўзбекистонлик болажонлар Германия шифохоналарида ўз саломатлигини тиклаб қайтишди.

Шу билан бирга, "Friedensdorf International" "Соғлом авлод учун" жамғармасига мунтазам равишда тиббий жиҳозлар ва дори-дармонлар тимсолида инсонпарварлик ёрдами кўрсатиб келади. Улар республикамиздаги болалар саломатлигини тиклаш муассасаларига тақдим этилади.

**Баҳриддин АСЛАНОВ,**
**"Жаҳон" АА.**



### Бевосита мулоқот

## СИЗНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИ ЭШИТАДИ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг таркибий қисми бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони, Президентимизнинг 2005 йил 25 ноябрдаги «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 227-сонли Қарорини амалга ошириш тадбирлари, ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган ва халқ таълими ходимлари касб маҳоратини доимий оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг натижалари тўғрисида, соҳага оид сизни қизиқтирган бошқа саволларингизга «Халқ сўзи» ҳамда «Народное слово» газеталари таҳририяти ташаббуси билан уюштирилган бевосита мулоқотда

***Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Туробжон ЖЎРАЕВ жавоб беради.***

***Бевосита мулоқот шу йил 31 январь куни соат 10.00 дан 12.00 гача 139-17-35, 136-36-36 телефонлари орқали ўтказилади.***

***Вазирга бермоқчи бўлган саволларингизни олдиндан таҳририятнинг 132-12-08 телефонига ёки 136-37-85 факсига, шунингдек, info@xs.uz электрон почта манзилига юборишингиз мумкин.***

БАҲС

# АЙБ ФАҚАТ ЁШЛАРДАМИ?..

***Маънавият инсон кўнглида зуҳур топади. Қалбга эса буюриб бўлмайди. Кимгадир ажиб завқ бағишлаган нарсани бошқа биров рад этиши мумкин.***

***Айни пайтда комил инсонга хос юксак маънавият жамиятимиз тақдирини белгиловчи олий қадрият ҳисобланади. Хўш, бу борада қандай муаммолар мавжуд? Ёшларимиз руҳий дунёсига кириб келаётган ғоя ва қарашлар асрий анъаналар вориси бўлган халқимиз табиатига қанчалик мос келади? Цивилизация меваси саналган интернетдан тарқалаётган турфа хабарлар ёш қалбларга малҳамми ёки оғу? Худди шундай саволлар ушбу мавзудаги баҳсимиз қатнашчилари — турли ёш ва қарашдаги икки журналистнинг суҳбат мавзусидир.***

**Шуҳрат ЖАББОРОВ:** — Ботиржон, сиз менга шуни айтинг: нега бизнинг қалб торларимизни жаранглатиб юборадиган, чуқур маъноли мумтоз куй—қўшиқлар ижро этилганда аксарият тенгдошларингизнинг чаккаси тиришади? Тўғри, қони қайноқ ёшлар кўнглига тезкор, шўх оҳанглар яқин. Лекин қўшиқ деганда сал-пал маъно бўлиши керак, алвасти кўринишдаги жинлар базмидан (бошқача таъриф тополмадим) завқ оладиган кимсани бамаъни одам деб ҳисоблаш мумкинми?

**Ботиржон ҒОФУРОВ:** — Фикримча, бу савол анча олдин кўндаланг бўлган эди. Гап ўзбек қўшиқчилиги, хусусан, эстрада санъатининг бугунги аҳволи эмас, балки ана шу санъат истеъмолчиларининг маънавий даражаси, савияси ҳақида кетмоқда. Хоҳлаймизми-йўқми, қўшиқчилик бугун нафақат санъат, балки бизнесга ҳам айланиб улгурди. Шунга асосан хулоса қилиш мумкинки, бугун катта ёшдагилар, кўплаб журналистлар танқид қилавериб, ҳеч чарчамаётган ўша «жинлар базми»ни эслатувчи қўшиқлар ҳар ой 10-15 тадан пайдо бўлаяптими, демак, уларга ҳам талаб бор. Бир нарсани унутмаслик керакки, ҳар ким ўзи истаган нарсадан завқ олади. Кимгадир Моцарт, кимгадир рэп ва яна кимгадир Шашмақом ёқади. Биз — ёшларнинг аксарияти маза-матрасиз қўшиқларни ётиб олиб эшитаётганимиз рост. Бу гапингизга тўла қўшиламан. Четдан назар ташлаганда, аҳолининг ярмини ёшлар ташкил этадиган юртда бу ҳолни салбий жараён деб аташ мумкиндир. Аммо бу ерда айбни фақат бизга ағдариш адолатдан эмас. Эҳтимол, ёшларнинг айнан шундай шаклланаётганига бошқа сабаб бордир? Балки таълим-тарбияда, оилавий муҳитда хатоларга йўл қўйилаётгандир?

**Ш.Ж.:** — Бу фикрга унчалик қўшилолмайман. Ҳеч қачон мактабдаги дарсларда халқимиз қадриятларига тескари борилмайди. Менинг назаримда, бугунги айрим ўғил-қизларимиздаги камчилик турмушдаги камчиликнинг йўқлигидадир. Жуда кўп кузатганман: ким инсонга самимий муносабатда бўлса, атрофдагиларни қадрласа, ўша одам ҳаётда қийинчилик кўрган, бир бурда ноннинг қандай пайдо бўлишини яхши билади. Ва аксинча, ким ота-онасининг ўта ғамхўрлиги қуршовида ўсса, ҳамма нарса бадастир бўлса, ўзгаларга беписанд, қадрсиз қарайди.

**Б.Ғ.:** — Қийинчилик? Ахир айнан ҳозирги ёш авлод эмасми, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида улғаяётган, бу даврнинг кутилмаган муаммоларига дуч келаётган? Олий ўқув юртларига имтихон топширганларнинг ярми контракт асосида қабул қилинади. Ўқишга иштиёқи бўлган, аммо иқтисодий шароити туфайли талабалик бахтига эриша олмаган кўплаб тенгдошларимни биламан. Масалан, сизлар ўқиган пайтда бундай муаммолар йўқ эди, талабалик умрнинг олтин даврига бежиз тенглаштирилмаганди.

Яқинда «Халқ сўзи» газетасида журналист З.Ашурованинг «Тунги барда бир кун» деб номланган мақоласи чоп этилди. Пойтахтимизда, вилоят марказларида болалаб бораётган бундай барлар, тунги клубларни ёшлар ўзлари очмаётгандир? Шаҳарнинг энг марказий, гавжум қисмларидан жой олиб, бундай «кўркам дам олиш муассасалари»ни ташкил этиш унча-мунча одамнинг қўлидан келмайди. Бунинг учун катта миқдорда пул, таниш-билиш керак. Хуллас, мен барибир фикримда қоламан: айрим ёшларнинг ҳозирги ҳолатга тушишига катталарнинг ҳам айби бор.

**Ш.Ж.:** — Ҳар замонга бир замон, дейдилар. Ғафур Ғуломнинг машҳур шеъридаги «Етимлик нимадир бизлардан сўра...» сатрлари ёдингиздами? Бугун сизларнинг наздингиздаги қийинчиликлар 30-40 йил ва ундан олдинги даврдаги қийинчиликлар олдида нима бўпти? Халқимиз узоқ йиллар электр чироғисиз яшагани, янги пайдо бўлган техникадан чексиз ҳайратга тушгани бизнинг ёдимиздан кўтарилгани йўқ. Умуман, инсон зоти машаққат чеккандагина қўлга киритган неъматнинг таъмини яхшироқ ҳис қилади. Бундан уч йил муқаддам ўғлим ишлаётган идора раҳбарларидан бир нарсани илтимос қилдим: менинг фарзандим ҳамма шарт-шароит муҳайё этилган пойтахтда эмас, бу ердан анча узоқда, нисбатан қийинроқ шароитда ишласа дегандим. Ҳозир ҳам у бошқа вилоятда ижарадаги уйда туриб ишлайди. Нолигани сайин ичимда мамнун бўламан. Ахир шундай ноқулай шароитлардагина одам ҳаётнинг қадрига етади. Амалда бунинг тескарисини ҳам кўрганмиз. Фарзандига барча «комфорт»ларни сунъий равишда яратиб берадиган меҳрибонлар қанча...

**Б.Ғ.:** — Аммо ёшлар орасида ҳеч нарсага қарамай, таъбир жоиз бўлса, «ёриб чиқаётганлар» ҳам борлигини тан олсангиз керак. Улар спорт, санъат, илм-фан соҳасида илгари эгалланмаган марраларни забт этмоқда. Ва бу ёшлар мумтоз қўшиқларимизни ҳам, миллий ўзбек адабиётини ҳам, замонавий фанларни ҳам, интернет технологияларини ҳам яхши билади. Битта мисол келтираман. Давронбек Тожиалиев исмли бир талаба ташкил қилган **www.ziyo-uz.narod.ru** интернет-сайти бор. Бугунга келиб кирувчилар сони 27 минг 800 нафарга етган бу сайтга Умар Хайём, Ҳофиз Шерозий, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Шавкат Раҳмон каби шоирларнинг барча шеърлари, мумтоз адабиётимиз намояндаларининг шоҳ асарлари электрон кўринишда киритилган. Сайтдаги миллий маънавиятга бағишланган форум саҳифаларда эса ҳар куни 200 дан зиёд ёшлар қатнашади.

**Ш.Ж.:** — Сиз келтирган мисолдан шу пайтгача бехабар эканман. Албатта, бундай ҳоллар ҳар бир юртдошимизни қувонтиради. Лекин, таассуфки, бунақа ижобий мисоллар оммавий тарзда учрамайди, аҳён-аҳёнда ярқ этиб чиққан истеъдодлар ой сайин, кун сайин кўпайса айни муддао бўларди. Сизнинг завқингизни келтирган интернет айрим ҳолларда маънавий оламимизга кушанда бўлаётганидан ҳам хабарингиз борми? Мендаги маълумотларга кўра, бугунга келиб танишув сайтларида ўзбекистонлик 10 мингдан зиёд қиз, 24 минг нафар йигит рўйхатдан ўтибди. Ёшлар бу замонавий алоқа воситаси орқали танишиб, бир-бирларига маърифат тарқатса майли эди. Аммо уларнинг деярли барчаси шунчаки «дўстлашиш», худа-беҳуда ёзишмалар, баъзан ҳатто тилга олиб бўлмайдиган бемаза ниятларни кўзлаётганига нима дейсиз?

**Б.Ғ.:** — Миллий менталитетимизга, маънавий оламимизга зарар келтираяпти, деб цивилизациянинг энг катта ютуқларидан бўлган интернетни чеклаб бўлмайди-да. Ҳар қандай кашфиётдан, янгиликдан фойдали жиҳатни ажратиб олиш мумкин.

**Ш.Ж.:** — Йўқ, мен унақа демоқчи эмасман. Ёпирилиб келаётган ахборот оқимини тақиқлаш, ёшларимизни ундан холи сақлашга уриниш беҳуда машғулот. Фақат бизнинг замондошимиз интернет саҳифаларига кирадими, телеканалларни бурайдими — ўз халқи руҳига мос, эзгуликка, бунёдкорликка, хайрли ишларнинг рўёбга чиқишига бағишланган материалларни ўзига олсин, шунга ички эҳтиёж сезсин.

**Б.Ғ.:** — Яқинда интернетда «Узбекистания» деган сўзга кўзим тушиб қолди. Узоқ қидирувлардан кейин нима эканлигини билдим. «Узбекистания» (Uzbekistania) 1934 йил кашф этилган, Ердан миллионлаб чақирим олисда сузиб юрган улкан сайёранинг номи экан. Бошқаларга қандай таъсир қилишини билмайману, аммо бу воқеа қалбимни тўлқинлантириб, ғурурга тўлдирди. Ушбу мисолни келтиришдан мақсад ёшларда Ватан туйғусини, миллий-маънавий иммунитетни шакллантириш учун уларга соатлаб маъруза ўқиш шарт эмаслигини айтмоқчи эдим.

Яна бир мисол. Ўтган йилнинг боши эди. Жаҳон чемпионатига саралаш ўйинини кўриш учун Тошкентдаги марказий футбол ўйингоҳига бордик. Мамлакатимиз миллий терма жамоаси майдонга чиқиб келаётганда давлатимиз мадҳияси янгради. Ана шу пайт қўлларини кўксига қўйиб, мадҳияга жўр бўлаётган ёшларни кўриб, бениҳоя таъсирланган эдим. Улар Ватан қўшиғини ҳеч қачон бу қадар мағрур тингламаган бўлса керак. Маънавий тарбия жараёнида инсоннинг юрагига етиб борадиган шундай усуллардан фойдаланиш етарли даражадамикан?

**Ш.Ж.:** — Ҳаёт сиз ва биз ўйлагандан кўра серқирра, ранг-баранг. Уни ҳеч бир низом ёки йўриқномага жойлаб бўлмайди. Ватанни ҳар ким ўз тасаввури доирасида севади. Эртаю кеч далада тер тўкиб, оиласи, бола-чақаси, хўжалиги учун ишлаётган оддий деҳқон кўчага чиқиб «Мен ватанимни севаман!», дея жар солмаслиги мумкин. Ҳамкасбимиз Алиқул Хонимқулов таъбирича, бундай инсонлар ватанни жим севишади. Очиғини айтинг, бугунги кунда ёшлар маънавий эҳтиёжини қондириш учун ҳамма нарса муҳайё эмасми?! У ҳолда хавотир нимадан? Менинг назаримда, катта ҳаётга қадам қўяётган навқирон қалблар боқимандалик, истеъмолчилик, худбинлик иллатларидан сақланмоқлари лозим.

**Б.Ғ.:** — Худбинлик — жамики эзгу, хайрли ишларнинг кушандаси. Фақат ўзимга бўлса, бошқа билан нима ишим бор, деган кайфият, билмадим, аслида инсоннинг табиатида мужассаммикан? Яна ўйлайман, агар ундай бўлганда, дунё бунчалик гўзал, жозибадор бўлмасди. Юртимизда комил инсон тарбияси жамиятнинг асосий масаласига айланганлиги жудаям тўғри. Жаҳоний тажрибани ҳисобга олганда ҳам, ўз халқимиз кечмиши назарда тутилганда ҳам бу борада зиёлилар пешқадам бўлишлари керакка ўхшайди. Ёки сиз бошқача фикрдамисиз?

**Ш.Ж.:** — Болалик хотираларимда муҳрланиб қолган: қишлоғимизда энг обрўли шахс, бу — ўқитувчи эди. Кейинчалик мактабга эътибор сусайди. Кўпгина муаллимлар ёғли, серпул соҳаларга ўтиб кетишди. Буни қарангки, замон яна айланиб келиб, ўқитувчиларнинг жамиятдаги нуфузи ортмоқда. Кейинги йилларда ўқитувчилар мактабга қайтишяпти. Бундай ҳол фақат уларнинг маошлари кўпайгани учунгина эмас, айни пайтда бутун эътибор мактабга қаратилаётгани боис рўй бермоқда. Узоқни кўзловчи сиёсат учун эл-юрт дуо қилмоқда. Мана, Японияни олинг, бир вақтлар қолоқ бўлган бу ўлка айнан таълим-тарбияга эътиборни кучайтириб, энг тараққий этган мамлакатлар қаторидан жой олди. Агар бизда ҳам пойдевор мактабдан пухта қўйилса, натижаси яхши бўлади.

**Б.Ғ.:** — Япон халқи жуда заҳматкаш, мақсад сари сабот билан интилади...

**Ш.Ж.:** — Бизнинг халқимизчи? Шундай бағри кенг, сабрли, қаноатли, ўтган кунига шукр қилувчи халқ яна қаерда бор? Ўзбекнинг табиати японларга қанчалик яқинлигини кунчиқар мамлакатдан келтирилган мароқли фильмлардан ҳам билдик. Қаранг, ҳар қандай муваффақиятнинг замирида меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат ётади. Ўтган ҳафта ўз ниҳоясига етган Жанубий Кореянинг «Сарой жавоҳири» сериалида ҳам қалбнинг туб-тубидаги эзгу ниятларга эришиш учун фильм қаҳрамони йўлидан сув чиқса симириб, тош чиқса кемириб келди. Шуларни кўриб таассуф чекаман: нега узоқ йиллар Мексика, Бразилиянинг чучмал мелодрамаларини кўриб келдик? Руҳимизга яқин асарлар бу ёқда экан-ку?..

**Б.Ғ.:** — Ойнаи жаҳонда намойиш қилинадиган фильмлар ҳақида сўз очиб яхши қилдингиз. Бугунги кунда телевизор ҳар биримизнинг ҳаётимизга сингиб кетган. Ишдан қайтган одам кечки овқатни ҳам экранга қараб тановул қилади. Баъзан ўзимизнинг теледастурга қараб, бугун ҳеч нарса йўқ экан деб қўямиз. Шундай ҳолларда беихтиёр чет эл каналларига мурожаат қиламиз-да.

**Ш.Ж.:** — Гапингизни тушундим. У каналлардаги кўрсатувларни ўзгартириш бизнинг қўлимизда эмас. Бунинг учун Тошкентдан намойиш этилаётган олтита канал шундай мароқли бўлиши керакки, токи бошқасига ҳожат қолмасин.

**Б.Ғ.:** — Бугунги авлод ўтмиш аждодларимиздаги қайси жиҳатларни ўзига қабул қилиши керак, деб ўйлайсиз?

**Ш.Ж.:** — Мардлик, тантилик, орият халқимизнинг азалий қадриятларидандир. Ўзбекда «Белда белбоғинг борми?» деган ибора бор. Бу — йигитмисан, ўз ор-номусингни ҳимоя қила оласанми, деган маънони англатади. Инсон ўз иззат-нафси учун қандай талашиб-тортишса, киндик қони тўкилган замин, яъни Ватани шаъни учун ҳам шундай кураша олиши керак. Биз ёшларимизда ана шу фазилатлар мустаҳкам таркиб топишини истаймиз. Ахир, сизлар Ўзбекистоннинг эртанги тақдирини белгилайсизлар! Бунга ҳеч ким бефарқ бўлолмайди.

**Б.Ғ.:** — Биз бу йўлда адашмаслик учун нима қилишимиз керак?

**Ш.Ж.:** — Сўраганингиз учун айтаман, бировга ақл ўргатишдан йироқман. Ўзбек халқи табиатан жамоа бўлиб, ҳамфикр ва ҳаммаслак яшашга мойил. Эътибор қилинг: қаерда ёт ғоялар билан кўзга ташланган инсон дуч келса, у, албатта, бошқалардан панада, биқиқ турмуш тарзи кечирган бўлади. Жамоатчилик бағрида бўлган одам ёвуз ниятларни ўйламайди. Албатта, эътиқоди, яшаш тарзи, касб-кори, маълумоти жиҳатдан ҳар ким турли даражада бўлиши табиий. Лекин уларнинг ҳаммасини бир хислат — ниятнинг поклиги бирлаштириб туриши керак. Тинч-осойишта ҳаёт, бунёдкорлик, хайрли ишлар — халқимизнинг асосий фазилати. Бунга эса, пок ният билан эришилади. Энг тўғри мезон, назаримда, шу.

> *Ш.Ж.: Жуда кўп кузатганман: ким инсонга самимий муносабатда бўлса, атрофдагиларни қадрласа, ўша одам ҳаётда қийинчилик кўрган, бир бурда ноннинг қандай пайдо бўлишини яхши билади.*
>
> *Б.Ғ.: Ўқишга иштиёқи бўлган, аммо иқтисодий шароити туфайли талабалик бахтига эриша олмаган кўплаб тенгдошларимни биламан. Масалан, сизлар ўқиган пайтда бундай муаммолар йўқ эди, талабалик умрнинг олтин даврига бежиз тенглаштирилмаганди.*

> *Б.Ғ.: Аммо ёшлар орасида ҳеч нарсага қарамай, таъбир жоиз бўлса, «ёриб чиқаётганлар» ҳам борлигини тан олсангиз керак. Ва бу ёшлар мумтоз қўшиқларимизни ҳам, миллий ўзбек адабиётини ҳам, замонавий фанларни ҳам, интернет технологияларини ҳам яхши билади.*
>
> *Ш.Ж.: Сизнинг завқингизни келтирган интернет айрим ҳолларда маънавий оламимизга кушанда бўлаётганидан ҳам хабарингиз борми?*

## ГАЗЕТХОН сўз сўрайди

*Миннатдорчилик*

### Раҳмат, ҳамкасблар!

***Мен узоқ йиллар "Ўзбекистон почтаси" Давлат акциядорлик компаниясининг Навоий вилояти бошқармасида ишлаганман. Ҳозир ёшим 86 да.***

Пенсияга чиққанимга чорак асрдан ошди. Шунга қарамай, собиқ ишхонамдагилар мени унутмаган эканлар. Яқинда ушбу бошқарма раҳбарияти менга ҳиммат кўрсатиб, "Ситораи Моҳи Хосса" санаторийсига даволанишим учун йўлланма тўғрилаб берди. Мен бир неча кун мобайнида соғлиғимни тиклаб қайтдим. Бунинг учун бошқарма бошлиғи У.Жумаевга миннатдорчилик билдираман. Худди шундай эҳтиромимни санаторий бош шифокори А. Ҳакимовга ҳам изҳор қиламан.

**Розиқ САТТОРОВ.**
**Хатирчи тумани.**

*Шикоят*

### «Тузалмаган» телефон

***Яхши ниятлар билан уйимга телефон туширдим. Аммо фойдалана бошлаганимга ҳеч қанча бўлмай, у ўз-ўзидан ишламай қоладиган "одат" чиқарди.***

Бу ҳолат мунтазам давом этиб, дилхиралик даражасига етди. Шу боис Тошкент шаҳар телефон тармоқлари идораси бошлиғи Асрор Эшонхўжаевга мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Натижа чиқмагач, "Ўзбектелеком" очиқ турдаги акциядорлик компаниясига сим қоқдим. Бу идорада Нуриддин Иброҳимов исм-шарифли киши айнан мени қийнаган масала билан шуғулланар экан. Бироқ у "Бўпти, кўрамиз!", дейишдан нарига ўтмади.

Қизиқ, таъмирлаш хизматига маълум қилсанг, фойдаси бўлмаса, мутасаддиларга билдирсанг, чора кўришмаса, бу қанақаси? Энг алам қиладигани — ўз вақтида ҳақини тўласанг-у, алоқа хизмати шунга яраша бўлмаса...

Бу кетишда телефонимиз қачон "тузаларкин"?

**Илҳом КАРОМОВ.**
**Тошкент шаҳри.**

*Муаммо*

### Ёрдамга муҳтожмиз

***Биз истиқомат қилаётган Нуроний кўчаси, 6-уйда иссиқлик қуввати жуда пастлаб кетди.***

Мутасаддилардан чора кўришларини сўрагандик, таъминотни бутунлай тўхтатиб қўйишди. Ваҳоланки, бу ерда яшовчиларнинг аксариятини кексалар ташкил этади. Айни қиш чилласида уйимизнинг совиб кетгани ҳаммамизни қаттиқ ташвишлантирмоқда. Баъзи кишилар хонадонини иситиш учун табиий газдан фойдаланишга мажбур бўлишмоқда. Бу ҳам зарарли, ҳам хавфли. Деворлар буғдан нам тортиб қолаяпти. Таъминотчилар эса қуруқ ваъдадан нарига ўтишмаяпти. Балки таҳририят аралашгач, инсофга келиб қолишар.

**М.МЎМИНОВА.**
**Чирчиқ тумани.**

*"Халқ сўзи" назоратида*

### Танқиддан хулоса

***Газетамизнинг ўтган йилги сонларидан бирида "Сувнинг баҳоси қанча?" сарлавҳали мақола чоп этилганди. Унда айрим вилоятларда ичимлик суви беҳуда исроф бўлаётгани, уни ҳисоблаш ускуналарини ўрнатиш борасида йўл қўйилаётган камчиликлар танқид қилинганди. Шу муносабат билан мутасаддилардан расмий жавоблар олдик.***

Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари К.Жўраев имзо чеккан жавобда таъкидланишича, мақола вилоят ҳокимлиги масъул ходимлари, "Сувоқава" корхонаси ва тегишли ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ўрганилиб, аҳволни ўнглаш чоралари кўрилган. Вилоят бўйича 4825 та сув ўлчагич ўрнатилган. 13100 та хонадонни чет эл инвестиция лойиҳалари, 53722 та хонадонни Хитойнинг имтиёзли кредит маблағлари асосида шундай асбоб-ускуналар билан таъминлаш режалаштирилган. Андижон вилояти ҳокими ўринбосари Э.Воҳидов йўллаган жавобда эса вилоят "Сувоқава" акциядорлик жамияти тасарруфидаги 1377 километр узунликдаги сув қувурларидан 555 километрини таъмирлаб, кўп қаватли уйлар хонадонларига 28671 та сув ҳисоблагич ўрнатиш мўлжалланаётгани айтилган.



## «Каолин» хорижда ҳам харидоргир



*Ангрен мамлакатимиздаги саноати ривожланган шаҳарлардан бири. Бу ерда кўплаб қўшма ва турли мулк шаклидаги корхоналар ташкил этилаётганининг асл сабаби ҳам шунда.*

*Ўзбекистон-Германия саноатчилари ҳамкорликда ташкил этган "Каолин" қўшма корхонасида Ангрен ҳавзасида кўмир билан бирга қазиб олинадиган оқгил қайта ишланиб, ундан 3 турдаги каолин маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Асосан қоғоз саноати ва кулолчиликда ишлатиладиган ушбу маҳсулотга мамлакатимиздан ташқари Эрон, Тожикистон каби давлатларда ҳам талаб ортиб бораяпти. Шунингдек, хитойлик саноатчилар ушбу турдаги маҳсулотга харидор бўлиб туришибди.*

**СУРАТЛАРДА: "Каолин" қўшма корхонаси фаолиятидан лавҳалар акс этган.**

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

# ЕРНИ АСРАГАН БОЙ БЎЛАР

***Бухоро шаҳрида "Геодезия, картография ва давлат ер кадастри ишларида замонавий техника ва технологияларнинг қўлланилиши" мавзуида ҳудудий илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ташкил этган ушбу анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидан келган шу соҳа вакиллари иштирок этди.***

*Анжуман*

Улар асосий эътиборни ер муносабатларини тартибга солиш, ер тузиш, унинг мониторингини ташкил қилиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ҳамда қайта тиклаш, геодезия, картография, давлат ер кадастри ишларини юритишда замонавий технология ва дастурлар асосида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш масалаларига қаратишди. Бухоро вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Мурод Умаров бу борада вилоятда амалга оширилаётган ишлар хусусида батафсил маълумот берди.

Таъкидландики, бугунги кунда Бухорода 11 та туман ва битта шаҳар бор. Жами ер майдони 4193705 гектардан иборат. Шундан 199381 гектарига экинлар экилса, 21904 гектари кўп йиллик дарахтзордир. Қолгани томорқа, ўрмон, бўз, ўтлоқ ва бошқа турдаги майдонлар ҳисобига тўғри келади. 4082 гектар ернинг эса мелиоратив ҳолати ёмонлашган.

Вилоят хўжаликларида ер билан боғлиқ кундалик ишларнинг ўз вақтида, сифатли бажарилишида ер ресурслари бошқармаси, унинг жойлардаги бўлимлари, ер кўчмас мулк кадастри бўлими ҳамда "Ўздаверлойиҳа" Бухоро филиалининг алоҳида ҳиссаси бор. Уларнинг замонавий техника воситалари билан таъминлангани, жумладан, компьютер, янги турдаги ер ўлчаш асбоблари имкониятидан фойдаланилаётгани иш самарадорлигини бирмунча оширмоқда. Мисол учун, 2005 йилда мавжуд пахта ва бошоқли дон экинлари майдонлари мониторинги айнан ана шу замонавий техникалар – ЖПС лазерли долномер ҳамда электрон техометрлар ёрдамида ўлчанди. Натижада аниқ маълумотлар олишга эришилди.

Президентимизнинг 2005 йил 8 ноябрдаги "2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари(ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлашда ҳам бухоролик ер соҳаси ходимлари алоҳида фаоллик кўрсатдилар, десак муболаға бўлмайди. Улар тугатилаётган 50 та ширкат хўжалиги ерларини 3673 та лойиҳага бўлиб, вилоят ҳамда туман комиссияларига тақдим этишди. Бу лойиҳалар асосида эса жойларда танлов ўтказилиб, ғолиб фермерлар аниқланди. Бундан ташқари, вилоятдаги 20 та уруғчиликка ихтисослашган хўжалик ерларининг бир қисмини ҳам фермер хўжаликлари ихтиёрига бериш кўзда тутилган. Шу мақсадда тузилган лойиҳалар туман комиссияларига тақдим этиш учун тайёрланмоқда.

Анжуманда сўзга чиққан "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси раисининг ўринбосари Ўрмонжон Дадажонов кадастр хариталари хусусида фикр юритди:

— Кадастр хариталари — ернинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий режими, тоифаси, сифат кўрсаткичи, баҳоси, жойлашган манзили, ўлчамлари, ишончли маълумотлар ҳамда ҳужжатлар тузиш ва бошқалардан иборат, — деди у. — Улар ўз навбатида ер фондидан фойдаланиш тизимини ва алоҳида ер участкаларининг тавсифини очиб бериш, катта топографик иш ҳажмига эга бўлган вилоятлар ҳудуди учун хариталарни йирик миқёсда тузиш заруратини туғдираяпти. Бироқ бир нарсани унутмаслик лозим: кадастр хариталарининг асосий ва ҳосилавий миқёслари оддий харитавий боғлиқликда бўлиши зарур. Бу шартнинг бажарилиши кадастр хариталари тизимини яратишда зарур изчилликка эришишга ёрдам беради.

Семинарда, айниқса, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот давлат институти олимлари С.Абдуллаев, Н.Бакиров ва А. Боировнинг "Суғориладиган тупроқлар унумдорлигини ошириш имкониятлари тўғрисида»ги маърузалари кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Уларнинг фикрича, кўп йиллар давомида суғорма деҳқончиликдан фойдаланиш жараёнида салбий ҳолатлар ҳам учраб турибди. Тупроқнинг шўрланиши, эрозияга учраши, оғир металлар ва пестицидлар билан ифлосланиши, зичланиши, гумус ва бошқа озуқа элементларининг камайиши шулар жумласидандир.

Гап шундаки, ҳар йили етиштирилаётган ҳосил тупроқдан анчагина озуқа элементларини олиб чиқиб кетади. Шу сабабли ердаги гумус ва бошқа озуқа элементлари меъёрини кўпайтиришга эътибор қаратиш керак. Бунда нафақат минерал ўғитлар, балки маҳаллий ўғит, саноат, қишлоқ хўжалик чиқиндилари, чучук сув лойқаси, хазонлар ва ҳоказолардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Жумладан, сув лойқаси ўз таркибида кўп миқдорда органик ва минерал моддаларни сақлайди. Республикадаги 53 та сув омбори, вилоятлар, туманлар ва хўжаликлараро каналлар ва балиқчилик хўжаликларида унинг 2 миллиард тоннадан зиёд захираси мавжуд. Уни қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш керак, холос. Ҳозирда Тупроқшунослик ва агрокимё институти олимлари шу муаммони ҳал этиш йўлида изланишлар олиб боришаётир.

Олимлар, шунингдек, тупроқлар хосса ва хусусиятларини яхшилаш, ғўза, ғалла ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини ошириш учун минерал ўғитлар таннархи ортиб бораётган бир вақтда ноанъанавий ўғитлар — агрорудалар (дарё лойқалари, кўмир саноати қолдиқлари, бентонит, глауконит, вермукулит) компост, фосфорит, фосфогипс каби таркибида озуқа элементлари бўлган хомашёларини қўллашнинг илмий ечимларини ишлаб чиқиш муҳим эканлигини таъкидладилар.

Анжуманда кўрилган масалалар юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

**Маннон ОТАБОЙ.**

# Спорт

*Хушхабар*



## Кореяда кураш маркази

Халқаро кураш ассоциациясининг асосий вазифаларидан бири дунё бўйича ушбу миллий спорт турини тарғиб этиш билан бирга малакали ҳакамлар ва мураббийлар тайёрлашга ихтисослашган марказлар ташкил этишдан ҳам иборат.

Яқинда ана шундай марказлар сони яна биттага кўпайди. Курашимизнинг минглаб мухлислари бўлган Жанубий Кореянинг Чанг Нам музофотига қарашли Сечеон шаҳрида ана шундай махсус марказ очилди. Унинг очилиш маросимида КХА президенти Комил Юсупов, Ҳакамлик бўйича директор Ризо Носирий, Ўзбекистоннинг Кореядаги элчихонаси вакиллари иштирок этди. Чанг Нам музофоти маъмурияти ва Корея спорт вазирлигининг минтақавий ваколатхонаси ҳамда Корея кураш федерациялари марказ очиш ташаббускорлари бўлишди. Замонавий спорт мажмуасида жойлашган кураш марказни нафақат Корея, балки бутун Жанубий-Шарқий Осиё минтақаси мамлакатлари учун малакали мутахассислар, ҳакам ва мураббийлар тайёрлаб беради. Маросимда сўзга чиққан Корея спорт ишлари вазирлиги ва Чан Нам музофоти маъмурияти вакиллари кураш янги спорт тури бўлишига қарамай, дунё бўйлаб жадал ривожланиб бораётганлигини таъкидладилар, мазкур марказ эса унинг тараққиётига янада туртки бўлишига ишонч билдирдилар.

## Непомнящий — бош мураббий

Ўзбекистон Футбол федерацияси россиялик мутахассис Валерий Непомнящий билан икки йиллик шартнома имзолади, деб хабар беради федерациянинг ахборот-таҳлил бўлими.

Янги бош мураббийнинг олдида турган биринчи вазифа Ўзбекистон терма жамоасини 2007 йилда ўтадиган Осиё чемпионати финал қисмига олиб чиқиш ҳисобланади. Агар Непомнящий буни уддалай олса, у билан тузилган шартнома яна икки йилга узайтирилади. Валерий Непомнящий терма жамоани бош мураббий сифатида 22 февраль куни Осиё чемпионати саралаш учрашувининг биринчи босқичида Бангладеш жамоасига қарши ўйинда майдонга олиб тушади.

Кеча Миллий Олимпия қўмитасида Валерий Непомнящий журналистлар билан матбуот анжумани ўтказиб, режалари билан ўртоқлашди. Ўз вақтида Камерун терма жамоасини жаҳон чемпионати (1990 йил) чорак финалигача олиб чиққан мураббий фаолиятига омад тилаймиз.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

***Маълумки, одамларнинг феъл-атвори ва тақдирини уларнинг ёши, жинси, қандай иш билан шуғулланишларидан қатъий назар, юлдузларнинг жойлашишига қараб билиб олиш мумкин. Шахматчилар ҳам бундан мустасно эмаслар. Ўйинлар жадвалидаги ҳолатлари вақт танглигига тушиб қолишлари, уйда қилинган таҳлилда ўйлаб топилган яширин юришлари — ҳамма-ҳаммаси уларнинг қуёш қандай юлдузлар туркумига кирган пайтда дунёга келишларига боғлиқ. Одам туғилган пайтда сайёраларнинг қай ҳолатда турганини кўрсатувчи ва гўё унинг тақдирини билдирувчи жадваллар ҳам шундан башорат беради. Улар ниҳоятда кўп. Европа, Япония, Ҳиндистон, Цейлон, Краснодар жадваллари ана шулар жумласидандир. Қуйида ихлосмандларимизни шундай жадвалларнинг шахматга мансуб яна бир тури билан таништирамиз.***




## ШАХМАТЧИЛАР ТОЛЕНОМАСИ

### Тоғ эчкиси (жадди)

Бу ойда туғилган шахматчилар майлда барқарордирлар, ўзларига ёқиб қолган ўйиннинг бошланиш услубини ҳеч қачон ўзгартирмайдилар, турғун вазиятларда яхши ҳимояланадилар. Иш пайтида телефонда сўзлашишни яхши кўрадилар. «Тоғ эчки»лари швейцарча тартиб асосида ўтказиладиган мусобақаларда қатнашишдан ҳадиксирашлари зарур.

### Қовға (далв)

Унинг табиати муқим эмас. Айни пайтда хаёлпараст ва ишга чечан. Бу фазилатлари шахмат мусобақаларига ҳам хос. Одатга кўра, дастлабки бир юз қирқ саккиз минутда у нима ҳақидадир хаёл суради, қолган икки минутда эса бу хислати ишчанликка тез алмашинади. Барча қирқ юришни қилишга улгуради.

«Қовға»лар биринчи ярим йилда голландча ҳимояда муайян муваффақиятларга эришадилар. Бунинг учун рақиби «тегирмони»га сув қуйишлари керак.

### Балиқ (хут)

Ғайриодатий совуққонлиги ва индамаслиги билан ажралиб туради. Сувдан ҳар доим қуруқ чиқишга ишонади. Рақибининг тўғридан-тўғри мот қилиш таҳдидларига бамайлихотир, пиёдаларини жангга ташлаш билан жавоб беради. Осойишта юришлар қилишни ёқтиради, «таслим бўламан», деган иборани ҳеч қачон айтмайди. Жорий йилда ёй балиқ учун энг хавфли рақиб бўлади.

### Қўй (ҳамал)

Феъл-атвори саркардаларга хос сирли. Шахмат — унинг қобилиятларини намойиш этиш учун қудратли восита. Рақибини оғир аҳволга солиб қўйиш учун сипоҳларини жамлайди.

### Сигир (савр)

У ташаббускорона ўйнаши, андозасиз қарорлар қабул қилиши билан ажралиб туради. Оқ доналар билан ўйнаганда баҳсни тез-тез a2-a4, сўнгра h2-h4 юришлари билан бошлайди. Мусобақаларда иккиёқлама зарба бериш унга кўп ғалаба келтиради. Йилнинг иккинчи чораги савр учун энг қулай.

### Эгизак қиз (жавзо)

Уларнинг табиати қизиқ — турли хил манфаатларга, кўпдан-кўп ғояларга эга бўлишади. Қуёш ана шу номдаги юлдузлар туркумига кирган ойда таваллуд топганлар ҳар доим «икки яхши юришдан қайси бири афзал?» деган саволга жавоб излайдилар. Пировардида учинчи йўлни танлайдилар ва чиройли тарзда ютқазадилар. Жорий йилда эгизак қиз пиёдаларнинг ажралиб қолишига олиб келувчи ўйин услубларини танламаслиги лозим.

### Қисқичбақа (саратон)

Бурж белгилари орасида энг сирлиси. Учрашув олдидан рақибларига «қисқичбақа» қишлайдиган жойни кўрсатиб қўйишга жазм этади. Аммо ўйин пайтида фаоллигини кўрсатмайди, дастлабки (ёки охирги) уч ётиқ йўл доирасида ҳаракат қилишни ёқтиради. Сўнгги соатда қизариб кетади, ўз ўйинидан уялгани туфайли шундай ҳолат рўй беради. Бундай шахматчилар январь, февраль, март ойларида сафарда ўтказиладиган мусобақаларда қатнашишдан ўзларини тийишлари лозим.

### Арслон (асад)

У одатга кўра кучли шахматчилар жумласига киради. Қаҳр-ғазаб билан ўйнайди. Бир партияда шимол гамбити ва филькбир усулини қўллаш қобилиятига эгадир. Ўйинлар жадвалида очколарни тақсимлаш чоғида арслонга хос улуш олишга қодир.

### Бошоқ (сумбула)

У қулайлик, мутаносибликни севади. Сипоҳларини катакча ўртасига яхшилаб жойлаштиради. Катта нарсаларни ёқтирмайди (Сипоҳи эътиборга олиняпти). Шу боис тўрт белгили рейтинг унда камдан-кам учрайди. Унинг айрича фазилати — филни офицер деб атайди.

### Тарози (мезон)

Дунёдаги ҳамма нарса мувозанатда бўлишини афзал кўради. Қимматли бир хил алмашишларни ёқтиради. Ўйин ўртасида кучли ўйнайди. Вазиятни пишиқ-пухта ўйлайди ва баҳолайди. Рақибига етти бор дуранг таклиф этади, сўнгра таслим бўлади.

### Чаён (ақраб)

Тез, зардаси қайнаган бўлади. Хавф-хатарга чидаб туролмайди. Ҳимояга катта эътибор беради. Рокировка қилганида дастлаб руҳини, сўнгра шоҳни қўлга олиб, улар ўрнини алмаштиради. Ҳеч қандай таҳдид солинмаган пайтда тўпланиб қолган қаҳр-ғазабини ўзига қаратади — уй таҳлили билан шуғулланади.

### Ёй (қавс)

Кентавр (асп) унинг юлдузли осмон харитасидаги тимсоли саналади. У билан мўъжизали юришлар қилади, ўйинни ҳам аспни жангга солиш билан бошлайди. Отлари билан шоҳ беришдан қутулади, рақибининг бирданига икки сипоҳини ҳамла остида қолдиради. Қисқаси, оти учун нафақат ярим подшолигини, балки ярим очкони беришга ҳам тайёр.

**Ҳа, мана шунақа гаплар, ҳурматли шахмат мухлислари. Ўйин ўйнаётган пайтингизда ўзингизни ва рақибингизнинг ҳаракатларини кузатиб боринг-чи, нима натижа берар экан.**

**Анвар ИНОҚОВ,**
**шахмат бўйича спорт усталигига номзод.**

**ИИВ матбуот маркази хабар қилади**

### Жазманининг қотили

Бухоро вилояти, Шофиркон туманидаги фермер хўжаликларидан бирининг дала шийпонида Когон шаҳрида яшовчи, 1975 йилда туғилган Н. Казёнованинг бошига тўмтоқ жисм билан уриб ўлдирилган ҳолдаги жасади топилди.

Тезкор чоралар натижасида ушбу қотилликни марҳуманинг бирга яшовчи норасмий эри А. Зафар маст ҳолда содир этгани аниқланди.

### Бузоқнинг югургани...

Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманида яшовчи, шаҳар ташкилотларидан бирининг ҳайдовчиси М. Санжар ўзига бириктирилган «Шевралет — Нива» русумли автомашинани тунда «Самарқанд — Бухоро» йўлининг 79-километрида бошқариб кетаётиб, 25-30 ёшлардаги икки фуқарони уриб юборди. Оқибатда ҳар иккала фуқаро воқеа жойида оламдан ўтди.

Ҳайдовчи жиноятини яшириш мақсадида мурдаларни яқин атрофдаги қабристонга ташлаб кетаётганда қўлга олинди.

### Ўғрилик мол татимас

Пойтахтимизнинг «Қўйлиқ» деҳқон бозори ҳудудида «ўлжа» қидириб юрган 36 ёшли Ш. Маҳмуд Қибрай туманидан келган А. Бойдибекованинг бўйнига чанг солиб, унинг қимматбаҳо занжирини юлиб олди. Бироқ узоққа боролмади. Зум ўтмай ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ушланди.

### Ичкилик касофати

Қўқон шаҳрида туғилган 45 ёшли Глеб Бурдаев таниши Вали Мадраҳимовникига меҳмонга бориб, тўсатдан вафот этди. Аниқланишича, бу ўлим кўп миқдорда спиртли ичимлик ичиш оқибатида рўй берган экан.

**Исмоил МИНАВАРОВ,**
**Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази ходими.**




Повысьте эффективность работы всей команды в соответствии с требованиями Вашего бизнеса.
Используйте лазерные принтеры HP LaserJet со встроенным сетевым интерфейсом вместе с проверенными технологиями HP, которые повысят доступность и обеспечат высокую скорость печати, а также профессиональное качество документов для всей рабочей команды. Сделайте свой выбор из широкого модельного ряда сетевых лазерных принтеров HP LaserJet.

HP LASERJET 1020

- Скорость печати – до 14 стр./мин. (A4)
- Выход первой страницы за 10 сек. как при «горячем», так и при «холодном» старте
- Качество печати - 1200 т/д при использовании технологии HP FastRes
- Порт Hi-Speed USB 2.0
- Нагрузка - до 5000 страниц в месяц
- Режим экономии тонера - до 50%



HP LASERJET 1022N/NW

- Скорость печати - до 18 стр./мин. (A4)
- Выход первой страницы за 8 сек. как при «горячем», так и при «холодном» старте
- Качество печати - 1200 х 1200 т/д при использовании технологии HP FastRes и ProRes
- Поддержка HP PCL 5e
- Порт Hi-Speed USB 2.0
- Нагрузка - до 8000 страниц в месяц
- Порт для сетей Ethernet 10/100Base-TX в модели с индексом "n"
- Порт для сетей Ethernet 10/100Base-TX или средство для работы в беспроводных сетях стандарта 802.11b/g в модели с индексом "nw"
- Режим экономии тонера - до 50%



HP LASERJET 1320N/NW/TN

- Скорость печати - до 21 стр./мин. (A4)
- Выход первой страницы - менее 8 секунд
- Качество печати 1200 х 1200 т/д
- Память 16 МБ, максимум 144 МБ
- Лоток подачи бумаги на 250 листов, лоток приоритетной подачи на 1 лист
- Параллельный порт, порт USB (совместим со спецификациями USB 2.0)
- Встроенный сервер печати HP Jetdirect для Fast Ethernet в моделях с индексом "n"
- Нагрузка до 10 000 страниц в месяц

Звоните сейчас, чтобы узнать больше!
Тел. 132 26 62.
www.hp.ru

hp invent

©2006 Hewlett-Packard Development Company, L.P. Все права защищены.

2050Н/2309

*Тадбиркорлар, ишбилармонлар, хорижий ва маҳаллий инвесторлар диққатига!*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ

**"Toshkent Lok-Boyoq zavodi" акциядорлик жамияти устав фондидаги 25,0 фоиз давлат акциялар пакетини сотиш бўйича 2006 йил 27 февраль соат 11.00 да**

**танлов савдоси ўтказилишини маълум қилади.**

**Ўтказиладиган танлов савдосининг асосий шартлари этиб қуйидагилар белгиланган:**

- танлов савдоларида иштирок этиш истагини билдирган сармоядорлар **"Toshkent Lok-Boyoq zavodi"** акциядорлик жамиятининг сотилиши белгиланган акция пакетининг бошланғич баҳосидан 10 фоиз, яъни 217170,0 АҚШ доллари ёки унинг миллий валютадаги эквиваленти миқдорида қўмитанинг махсус ҳисоб рақамига кафолат маблағи тўлаш;
- сотилиши белгиланган 25 фоиз давлат акциялар пакетини сотиб олиш учун бошланғич қийматдан, яъни 2171700,0 АҚШ доллари ёки унинг миллий валютадаги эквивалентидан юқори баҳони таклиф қилиш;
- инвестор томонидан сотиб олиш баҳосини аралаш (комбинациялашган) шаклда, яъни тўлов миқдорига инвестицион мажбуриятларни киритган ҳолда амалга оширилиши мумкинлиги ва ушбу инвестицион мажбуриятлар қийматини кейинчалик 2 йил мобайнида эмитент томонидан Давлат мулки қўмитасига қоплаш (компенсация қилиш) шарти билан;
- сотилиши белгиланган 25,0 фоиз давлат акциялар пакетини сотиб олиш учун инвестицион мажбуриятлар киритган ҳолда энг юқори тўлов миқдорини таклиф қилиш ва тўловларнинг пул кўринишидаги қисми бошланғич қийматнинг (2171700,0 АҚШ доллари ёки унинг миллий валютадаги эквиваленти) 50 фоизидан кам бўлмаслиги;
- акциядорлик жамиятини иқтисодий ривожлантириш бўйича бизнес-режани тақдим этиш.

Агарда **"Toshkent Lok-Boyoq zavodi"** акциядорлик жамиятининг 25 фоизлик акциялар пакетига маҳаллий инвесторлар томонидан миллий валютага сотиб олиш ҳақида ариза берилса, ушбу акциялар пакети бошланғич баҳоси 2171700,0 АҚШ доллари миқдорининг миллий валютадаги эквивалентида, яъни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов кунидаги курси бўйича танлов савдоси ўтказилади.

***Танлов савдосида иштирок этувчилар таклифлари 2006 йил 27 февраль соат 10.00 гача қабул қилинади.***

**Ўтказиладиган танлов савдолари шартлари бўйича Тошкент шаҳри, 700003, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитасига бевосита ёки 139-20-68, 139-21-90 телефонлари орқали мурожаат этиш мумкин.**

2054Н/133




Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси Ўзбекистон телеканали «Эркин иқтисодиёт» студияси муҳаррири

**Лола**
**АНОРБОЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«O`zgeoburg`uneftgazqazibchiqarish» акциядорлик компанияси раҳбарияти ва меҳнат жамоаси «Марказий муҳандислик технология хизмати» УКси бошлиғи ўринбосари Қ. Р. Ғозиевга волидаи муҳтарамаси

**ХУРРАМ аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент банк коллежи жамоаси Ахборот технологиялари маркази бошлиғи Раббим Файзиевга падари бузруквори

**АЛИҚУЛ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси Конда хатардан қутқарувчи ҳарбийлаштирилган қисм штаби бошлиғи Муроджон Абдибоевга онаси

**СОЖИДА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 359. 34270 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 23456